Сени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мени юборган нарса билан юборайми?! Бирорта тимсолни қўймай йўқ қиласан. Бирорта кўтарилган қабрни қўймай текислайсан», дедилар

Абул Ҳайёж Асдий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Менга Али ибн Абу Толиб: «Сени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мени юборган нарса билан юборайми?! Бирорта тимсолни қўймай йўқ қиласан. Бирорта кўтарилган қабрни қўймай текислайсан», дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларини бирорта ҳайкални қўймай йўқ қилишга буйруқ бериб жўнатар эдилар. Ҳайкал – Рўҳи бор жисмли ёки жисмсиз нарсаларнинг сўратидир. Шунингдек қандай баланд ёки устида биноси бор қабр бўлса, бузиб ер билан текис ёки бир қарич баланд қилиб текислашга буюрдилар.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/5934